Tadqiqot.uz

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

# LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE 3

ТОШКЕНТ-2022

ЎТМИШГА НАЗАР | ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ | LOOK TO THE PAST
№SI-3 (2022) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2022-SI-3

**Бош муҳаррир:**
**Главный редактор:**
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**
**Заместитель главного редактора:**
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**
*тарих фанлари доктори, профессор, академик, Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**
*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети*

**Юнусова Хуршида Эркиновна**
*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Миллий университети*

**Кебадзе Мадонна**
*тарих фанлари доктори, Телави давлат университети*

**Аширов Адҳам Азимбаевич**
*тарих фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**
*тарих фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА Тарих институти*

**Бурдиашвили Майя**
*тарих фанлари доктори, Телави давлат университети*

**Кожакеева Ляззат Темировна**
*тарих фанлари доктори, доцент, Хотин-қизлар давлат педагогика университети*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**
*тарих фанлари доктори, Тошкент кимё - технология институти*

**Дорошенко Татьяна Ивановна**
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети*

**Ширванова Тарана Амирага кызы**
*тарих фанлари номзоди, доцент, Азербайджон давлат иқтисодиёт университети*

**Ғоффоров Шокир Сафарович**
*тарих фанлари доктори, профессор Самарқанд давлат университети*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**
*Тарих фанлари доктори, профессор, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

**Теймураз Ахалмосулишвили**
*тарих фанлари номзоди, профессор, Телави давлат университети*

**Халикова Раҳбар Эргашевна**
*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Раймовна**
*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Миллий университети*

**Эшов Боходир Жўраевич**
*тарих фанлари доктори, профессор Қарши давлат университети*

**Махкамова Надира Рахмановна**
*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент ахборот технологиялари университети*

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**
*тарих фанлари доктори, доцент, Нукус давлат педагогика институти*

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**
*тарих фанлари доктори Ўзбекистон Фанлар академияси*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**
*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Миллий университети*

**Джоробекова Айнур Эшимбековна**
*тарих фанлари номзоди, профессор, Қозоғистон дипломатия академияси*

**Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна**
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети*

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**
*тарих фанлари доктори, профессор Наманган давлат университети*

**Ковалев Борис Николаевич**
*тарих фанлари доктори, профессор Санкт-Петербург Тарих институти*

**Кобзева Ольга Петровна**
*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Миллий университети*

**Ауанасова Алима Мусировна**
*тарих фанлари доктори, профессор, Қозоғистон давлат тарихи институти*

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**
*фалсафа фанлари доктори, профессор, Қозоғистон Миллий университети*

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**
*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Миллий университети*

**Алиева Лале**
*тарих фанлари доктори, Озарбайжон давлат университети*

**Саипова Камола Давлятaлиевна**
*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий университети*

**Исмаилова Алмаз**
*тарих фанлари доктори, Доғистон мустақил университети*

**Иноятова Диларам Манглиевна**
*Тарих фанлари доктори (DSc) Ўзбекистон Миллий университети*

**Одилов Аброр Анварович**
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети*

**Толибоева Нодира Одилжоновна**
*Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон тиллари университети*

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz**
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

# МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


**1. Раҳбархон Муртазаева**
ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ..........6

**2. Дилором Бобожонова**
ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ,
СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ……………………..17

**3. Баҳодир Эшов**
ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАҲЛИЛЛАРИ…………………………..26

**4. Зумрад Рахмонкулова**
МАҲМУД АМИН АФАНДИ “ИСТАНБУЛДАН ЎРТА ОСИЁГА САЁҲАТ”………………..34

**5. Манзура Аминова**
ИБН ХОЛДУН ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ АҲАМИЯТИ……………………...41

**6. Тўлқин Ахмедов**
ТУРКИСТОНДА БИРИНЧИ РУС-ТУЗЕМ МАКТАБИ: МАЪМУРИЙ
ЭҲТИЁЖ ЁКИ МАДАНИЙ ЯҚИНЛАШУВ ЗАРУРИЯТИ?.....................................................48

**7. Мансур Бойсариев**
ОЗАРБАЙЖОН ДИАСПОРАСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА
ИЛМ-ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ………………………………………..56

**8. Фируза Жуманиязова**
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ
ИЖТИМОИЙ ҲАЁТДАГИ ФАОЛЛИГИНИНГ ДАВРИЙ НАШРЛАРДА АКС
ЭТТИРИЛИШИ (1941–1945 йиллар)………………………………………………………….64

**9. Мухаммаджон Исамиддинов**
АНТИК ДАВР ЁЗМА МАНБАЛАРИДА САМАРҚАНД ТАРИХИНИНГ
ЁРИТИЛИШИ…………………………………………………………………………………...70

**10. Бахыт Кощанов, Хакимбай Отегенов, Гулчехра Ержанова**
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТАРИХШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ………..79

**11. Shohruhbek Mamadaliyev**
TURKISTON SHAHARALARIDA OCHLARGA YORDAM KOMISSIYASI
FAOLIYATI TARIXIDAN………………………………………………………………….87

**12. Gulnora Maxkamova**
XX ASR SAMARQAND KASHTALARI: XILLARI, USLUBLARI, ORNAMENT
REPERTUARI (SAMARQAND DAVLAT MUZEYI NAMUNALARI MISOLIDA)…………...93

**13. Уктамжон Мансуров**
VI – XI АСРЛАР СУҒД ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ МАНБА
СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ…………………………………………………………..100

**14. Шоназар Матякубов**
XVI- XVIII- АСРЛАРДА ХИВА ХОНЛИГИ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИНИНГ
АСОСИЙ СОҲАЛАРИДАН БИРИ-КУЛОЛЧИЛИК ТУРИ ТАВСИФЛАРИ……………….105

**15. Отабек Маҳмудов**
«МИЛЛИЙ ТАРИХ» ВА «ТАРИХ ТАЪЛИМИ»ДА «ЖАҲОН ТАРИХИ»НИНГ АҲАМИЯТИ (лотин тилли тарихий манбалар ва замонавий ўзбек илмий адабиётининг қиёсий таҳлили медиевистик талқинда)……………………………………….109

**16. Sayyora Mirsoatova, Axrorbek Muxsidinov**
O'ZBEKISTONDA MEZOLIT DAVRI YODGORLIKLARINING O'RGANILISHI HAQIDA……………………………………………………………………..122

**17. Зуҳра Ражабова**
ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ СИЙМОСИНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ……………………………………………………..128

**18. Мафтуна Рузикулова**
ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ МЕЛИОРАЦИЯ ВА ИРРИГАЦИЯ ИШЛАРИ ТАРИХИДАН (1950 – 1970)………………………………………………………………….134

**19. Хасанбой Рахматиллаев**
ҚАДИМГИ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ЭТНИК ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА………………………………………………….139

**20. Lutfiya Salomova**
AVSTRALIYA MILLIY ARXIVI FAOLIYATI HAQIDA…………………………………...144

**21. Наргиза Сейтимбетова**
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗИ…………………………………………………………………….148

**22. Shaxnoza Tursunova**
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING BENILYUKS DAVLATLARI BILAN XALQARO MUNOSABATLARINI RETROSPEKTIV TAHLILINING AYRIM JIHATLARI……………………………………………………………………………...156

**23. Икромжон Умаров**
КЎҲИТАНГТОҒ ҚИШЛОҚЛАРИНИНГ ҲУДУД БЎЙЛАБ ЖОЙЛАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲОЛИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ…………………………………...161

**24. Ma'mura Umarxodjayeva, Zilola Shodmonxo`jayeva, Nodira Xasanova**
O'ZBEKISTON TARIXI DAVLAT MUZEYINING NOYOB XAZINASIDAN……………….174

**25. Санъат Худайберганов**
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ………..178

**26. Ҳабиба Ҳасанова**
1917-1924 ЙИЛЛАРДА ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА БОСМАХОНАЛАРНИНГ ТЕХНИК ҲОЛАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР…………………………………………………….186

**27. Ra'no Qodirova**
1936-1937 YILLARDA O'ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA TARIX FANINING O'RGANILISHI (M.Asimov hisobot materiallari asosida)……………………………………….192

**28. Қосим Қосимов**
ШАРҚИЙ БУХОРОДА ҚИЗИЛ АРМИЯГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИ……………………………………………………………………………196

**29. Ислом Қаршиев**
МУТАФАККИР СЎФИ ОЛЛОЁР ҚАРАШЛАРИДА ТАСАВВУФИЙ ҒОЯЛАР ТАҲЛИЛИ……………………………………………………………………………...203

**30. Гулжаҳон Шайдуллаева**
ХАРАППА МАДАНИЯТИ ЁДГОРЛИКЛАРИДАН ТОПИЛГАН ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ХОС БЎЛГАН МОДДИЙ МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИДА МАДАНИЙ ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ…………………………………………………..209

**31. Fotima Shirinova, Zumrad Kosimova**
XX ASRNING 20-30-YILLARIDA SOVET HOKIMIYATINING O'ZBEKISTONDA YURITGAN SIYOSATI, UNING MOHIYATI VA OQIBATLARI. SIYOSIY QATAG'ONLIK……………………………………………………………………………..222

**32. Юлдаш Юлдашев**
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ АРХИВИ 555-ФОНДИНИНГ АРХИВ МАНБАШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ……………………………………………………230

**33. Акмал Якубов**
ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ТАШҚИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИ (Дашти қипчоқ мисолида)………………………………………………………………………………237

**34. Акмал Якубов**
ХИВА ХОНЛИГИ ВА ҚОЗОҚ ЖУЗЛАРИ (ўтроқ ва кўчманчилар ўзаро алоқларининг негизлари)……………………………………………………………...246

**35. Лазизахон Алиджанова**
ДИНИЙ ТАЪЛИМОТЛАРДА ТИББИЁТГА ОИД ИЖТИМОИЙ ҚОИДАЛАР ТАҲЛИЛИ……………………………………………………………256

**36. Дилрабо Қурбанова**
ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК СИЁСАТИ........................................264

**37. Камола Саипова**
УРУШ ДАВРИДАГИ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БАҒРИКЕНГЛИК КЎРСАТИШИ..................274

**38. Ахадулла Рахматуллаев**
ТУРКИСТОНДАГИ МАҲАЛЛИЙ ЎЛКАШУНОС ВА КОЛЛЕКЦИОНЕРЛАР ФАОЛИЯТИ.......................................................................................................................280

**39. Азамат Ктайбеков**
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР (2000-2016).......288

**40. Гулнора Худойберганова**
"АСКЕТИЗМ" ТУШУНЧАСИ ВА ДИНЛАРДА АСКЕТИК АМАЛИЁТЛАРГА МУНОСАБАТНИНГ ТАҲЛИЛИ......................................................................................293

JOURNAL OF LOOK TO THE PAST
ЎТМИШГА НАЗАР | ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ISSN: 2181-9599
www.tadqiqot.uz

УДК 94(575.171)" XVI/XVIII"
745(575.171)" XVI/XVIII"

**Шоназар Собирович Матякубов,**
Хоразм Маъмун академияси
Кичик илмий ходими
shonazarmatyoqubovv@gmail.com

# XVI- XVIII- АСРЛАРДА ХИВА ХОНЛИГИ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИНИНГ АСОСИЙ СОҲАЛАРИДАН БИРИ-КУЛОЛЧИЛИК ТУРИ ТАВСИФЛАРИ

**For citation:** Shonazar S. Matyakubov, ONE OF THE MAIN BRANCHES OF HANDICRAFTS OF THE KHIVA KHANATE IN THE 16TH-18TH CENTURIES IS THE DESCRIPTION OF POTTERY. Look to the past. 2022, Special issue 3, pp.105-108

**http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7485290**

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада Хива хонлигининг ташкил топиши, ижтимоий-сиёсий жараёнлар натижасида вужудга келган касб тармоқлари ҳақида қисқача маълумот берилади. Хива хонлигидаги мавжуд ҳунармандчилик соҳасининг машҳур кулолчилик турининг ёзма манбаларда ифодаланиши, шунингдек ҳунармандчиликнинг турларига илмий тавсифлар бериб ўтади. "Шажараий турк" асарида кулолчилик ҳақида келтирилган янги маълумотлар келтирилиб ўтилди.

**Калит сўзлар:** Хива хонлиги, Ичан-Қалъа, ҳунармандчилик, кулолчилик, сирланган сопол, курувчилик, тандирчилик.

---

**Шоназар Собирович Матякубов,**
младший научный сотрудник
Хорезмская академия Маъмуна
shonazarmatyoqubovv@gmail.com

# ОПИСАНИЕ ГОНЧАРНОГО ДЕЛА КОТОРЫЙ ЯВЛЯЕТСЯ ОДНИМ ИЗ ОСНОВНЫХ ОТРАСЛЕЙ РЕМЕСЛЕННИЧЕСТВА ХИВИНСКОГО ХАНСТВА В XVI-XVIII ВЕКАХ

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье приведены краткие сведения о создании Хивинского ханства, о профессиях, возникших в результате общественно-политических процессов. Представление о знаменитом типе гончарства Хивинского ханства в письменных источниках, а также научные описания видов ремесел. Новые сведения о гончарном деле представлены в труде «Шаджарай тюрк».

**Ключевые слова:** Хивинское ханство, Ичан-Кала, ремесла, гончарство, глазурованная

посуда, строительство, тандыр.

**Shonazar S. Matyakubov,**
junior researcher
Khorezm Academy of Mamun
shonazarmatyoqubovv@gmail.com

## ONE OF THE MAIN BRANCHES OF HANDICRAFTS OF THE KHIVA KHANATE IN THE 16TH-18TH CENTURIES IS THE DESCRIPTION OF POTTERY

**ABSTRACT**

This article provides brief information about the creation of the Khiva Khanate, about the professions that arose as a result of socio-political processes. The idea of the famous type of pottery of the Khiva Khanate in written sources, as well as scientific descriptions of the types of crafts. New information about pottery is presented in the work "Shajaray Turk".

**Index Terms:** Khanate of Khiva, Ichan-Kala, handicrafts, pottery, glazed ware, construction, tandoor.

**1.Долзарблиги:**

Қадимий Хоразмнинг бетакрор Хива шаҳри-бебаҳо амалий санъат ва ҳунармандчилик буюмларининг қадимий хазинасидир. Буюк оламшумул илмий кашфиётлар математика, геодезия, астрономия, тарих, адабиёт ва санъатга оид бўлса, булар билан бир қаторда халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъатнинг ўлмас дурдоналари ҳам шу масканда яратилган. Нозик дидли ва маҳоратли усталар яратган қимматбаҳо ашёларнинг айримлари бизнинг замонамизгача етиб келган. Хива усталари санъати- кулолчилик, газламага гул босиш, гилам тўқиш, ёғоч ва тошни ўйиб расм солиш, заргарлик каби ҳунармандчилик турлари маҳсулотлари санъат асари даражасида яратилган бўлиб, бугунги кунларгача одамларни чексиз ҳайратга солиб келади.

**2.Методлар:**

XVI-XVIII- асрларда Хива хонлиги ҳунармандчилигининг асосий соҳаларидан бири-кулолчилик тури тавсифлари ёритишда тарихий-қиёсий методдан фойдаланган ҳолда таҳлил қилинди.

**3.Тадқиқот натижалари:**

Хива хонлиги туғрисида академик Я.Ғуломов:”1556 йилда Дўстхон Бўғчахон ўғли Хива шаҳрини ўзининг пойтахти қилди” [1] деб ёзади. Яна бир асарида эса:”Араб Мухаммадхон даврида марказни Хива шаҳрига кўчирганлар, шу даврдан бошлаб хонлик Хива хонлигини олди”,деб кўрсатади”[2]. Демак Хива 1556 йилда пойтахт этиб белгиланган, мамлакат эса Араб Мухаммадхон давридан бошлаб Хива хонлиги номини олган. Хонлик даврида Хива шаҳрида кулолчилик, тўқимачилик, кийим бош, кўнчилик, металл ва ёғочга ишлов бериш, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган ҳунар турлари ҳунармандчиликнинг асосий соҳалари ҳисобланган. Айниқса юқорида айтилиб ўтилган ҳунарларнинг машҳурларидан биттаси кулолчилик ҳисобланган. Кулолчилик тарихига назар ташлайдиган бўлсак, кулолчилик ҳунармандчиликнинг муҳим тармоғи булиб, бу ҳунарнинг бошланиши неолит даврига бориб тақалади. Бу даврларда кулолчиликнинг сопол буюмлар тайёрлаш соҳаси пайдо бўлиб бошлаган.Жаҳон цивилизацияси ривожига катта ҳисса қўшган Хоразм хусусан Хива тарихи азалдан дунё олимларини диққатини ўзига жалб қилиб келган.Хива хонлигига келган сайёҳлар, элчиларнинг хотиралари,илмий ва бадиий асарлари ўша даврлар тарихини ўрганишда муҳим манбаа бўлиб хизмат қилади. Кулолчилик ҳақидаги маълумотлар бизгача А.Ю.Якубовский, С.П.Толстов, Н.Н.Вактурская, В.Н.Ягодин, Ю.Н.Рапопорт, Е.Е.Неразик, Н.И.Веселовский, Г.И.Данилевский, Н.Н.Муравёв шунингдек Я.Ғ.Ғуломов, М.Йўлдошев каби юртимизнинг ўзбек олим ва тадқиқотчиларчилар томонидан ёзиб қолдирилган манбалар орқали етиб келган.Ўз даврида яъни XIX асрда Хива хонлигининг

кейинги уч асрлик тарихини мукаммал ўрганишга ҳаракат қилган ва мавзуда илмий изланишлар олиб борган рус олими Н.И.Веселовский ўз асарларида Хива хонларининг 29 нафари тўғрисида маълумот берганлиги билан эътиборга сазовордир. Россиядаги Хива хонлиги тўғрисидаги узуқ-юлуқ хабарлар, ҳар хил саёҳатлар, журналлар ва газеталардаги мақолаларидан фойдаланганини айтиб Н.И.Веселовский: "Ўз-ўзидан маълумки, бизнинг хабарлар бир давр учун тўлиқ, яна бир давр учун кам, баъзан эса умуман ҳеч нарса йўқ" [3]деб маълумот беради. Академик В.В.Бартольд фикрича"Анушахоннинг вафотидан кейин чингизийлар сулоласинингҳукмронлиги ҳам тўхтатилган ва хокимият иноқлар қулига ўтган"[4]. Хива хонлиги даврига қайтадиган булсак, Рус тадқиқотчиси М.Иванин: "Хивада идишларни катта ва яхши, бизларникидан мустаҳкамроқ ранг-баранг ва чиройли қиладилар. Пишмаган лой чўзиладиган бўлсин деб тувак лойига қамиш момиғини аралаштирадилар. Ғишт усталари тувакларни ва ғиштларни янтоқ ўти билан пиширадилар", -деб қайд этади[5]. XVI-сирланган оқ фонда қизил ва кўк безаклар берилиб,худди Хитой тасвирларига ўхшаш нақшлар билан безатилган идишлар тайёрлана бошлайди.

XVI-XVII-асрларда Хива шаҳрида кулолчилик айтарли даражада ривожланмади. Аммо уста кулоллар ўз ишларида анъанавий хусусиятларни сақлаб қолдилар. Хива сополлари кўк-фирузаранг билан сирланиб,оқ колипда нақшли чизиқлар билан безатилган эди.Хива кулоллари томонидан ясалган бодиялар жуда машҳур бўлган. Кулоллар ясаган катта кичик хумларда озиқ овқат маҳсулотларидан ташқари, бўза, шароб ва бошқа суюқликлар сақланган. Хива хони тарихчи ва табиб Абулғози Баҳодирхон ўзининг машҳур "Шажараи-турк" асарида қуйидаги сатрларни қайд этиб ўтади. "Ул югуриб келиб хумларда турган бўзани пичоқ бирлан нишона қила эрмиш, бу хумнинг бўзаси бу нишона-да теб, эв эгасини топшура эрмиш" [6].

Шунингдек тош чироқ, ибрик, гулдон, сиёҳдон, шакаша, қапширма кўза, бешик учун туваклар, яшил ва сариқхум шаклида сирли securityсополдан ишланган гупи, чоноқ, лаган, чуғирма учун қолип, нос идиш,хум, кошин,коса,кумон ва бошқауй-рўзғор учун керакли буюмлар ишланган.Улар сирланиб, кўк, яшил, сарғиш ранглардананақши арқон, нақши ислимий, нақши гирих, нақши япроқ гул каби нақшлар билан зийнатланган. Яна бир рус тадқиқотчи-археологи А.Калмиков хивалик кулоллар ясаган пиёлалар юнон пиёлаларини эслатишини қайд этади [7]. Шунингдек ўзининг ёзувларида "дигир, тошчироқ, тагарик каби уй-рўзғор буюмлари кўпинча сирланмай, бўёқлари нақшсиз қолдирилган. Хоразм айниқса Хива кулолчилигининг қийин, лекин чиройли усули- гулли ғиштлар, яъни кошин тайёрлашдир. Кошинларда ишлатиладиган ананавий ва севимли ранглар кўк ва оқ бўлиб,яшил ва сариқ ранглар бир- бирига қоришиб кетган" [8] деб ёзиб қолдиради.

Гулдор кошинлар билан меъморий обидаларнинг деворлари, гумбазлари, шиплари, пештоқлари жуда усталик билан моҳирона безатилган.Хива шаҳрида кошинчилик XVI-XVII-асрларда ривож топа бошлади. Айниқса XVIII-аср охирларига келиб ўзининг юқори чўққиларига чиқа бошлади. Хусусан Хива шаҳридаги Ичон-Қалъа худида барпо этилган Паҳлавон Маҳмуд мақбараси Кўҳна Арк ва Тошҳовли саройлари, Оллоқулихан мадрасаси ва бошқа обидалардаги кошинчилик намуналари кошинчилик юқори санъат даражасига кўтарилганлигидан далолат беради. Хивалик Одина Муҳаммад Мурад, Сўфи Муҳаммад Ниёз, Абдулла жин каби кошинпаз усталар юқоридаги меъморий обидалардаги кошин ишларини аъло даражада бажарганлар.

Кошинчилик қурувчилик билан боғлиқ ҳунармандчилик турларидан бўлиб, бу иккаласи бир-бириларини тўлдириб турганлар. Ранг ва туслари сира ўчмайдиган кошинлар тайёрлашда кошинпаз усталар таркибида энг аввало таркибида туз, оҳак, темир моддалари мавжуд бўлмаган тупроқларни топганлар.Тупроқдан бир қисм олиб,кафтлари орасида бироз муддат уқалаб кейин ташлаб юбоган ҳолда қулида қолган тупроқ қолдиқларини нафаси билан оҳиста пуфлаганлар. Агарда тупроқ тоза ва шўр булмаса қулда тупроқ гарди қолмаган. Агар тупроқ таркибида юқоридаги туз ,оҳак ва темир моддалари бўлган тақдирда кўлда тупроқдан гард қолган. Бундай синовдан тупроқнинг ранги оч сарғиш бўлиб, уни ювиш шарт бўлган. Бунинг учун махсус ҳовузларда чучук сувлар сақланган.

"Оқава сувларни Ичан-қаладан чиқариб ташлаш мақсадида ҳар бир ҳовлига гулбадавлар қўйилган.Гулбадавдан оқава сув махсус сопо қувурлар орқали шаҳар ташқарисига чиқарилиб юборилган.Ичан-қалъа музей фондида сақланаётган XVI-асрга оид сопол қувурлар ҳам Хивада кулолчилик ҳунари кенг ривожланганини кўрсатади"[9].

"Кулолчиликнинг яна бир муҳим соҳаларидан бири тандирчилик булиб, бу ҳунар билан фақат шаҳар атрофида яшаган аҳоли касб қилиб шуғулланиб келишган.Ҳунармандлар тандирни яхши пишган лойдан ясаганлар,тандир уч қисмдан иборат булган. Биринчи қисм қуригач, устига иккинчи қисм ёпиштирилган,кейин учинчи қисм ўрнатилган.Тандир тайёр ҳолга келгандан кейин уч-турт кун қуёшда жойидан қўзгатмай қуритилган". [10].

Хива ўз тараққиётининг барча босқичларида Хоразмнинг йирик ҳунармандчилик марказларидан бири ҳисобланган, шунингдек шаҳарсозлик маданияти кенг тарқалган, турли ҳунармандчилик соҳалари ривож топган худуд сифатида маълум ва машҳурдир.

**4.Хулосалар:**

Хулоса қилиб айтганда, қўли гул халқимиз томонидан санъат асари даражасидаги яратилган ҳунармандчилик ва амалий санъат асарларининг бебаҳо дурдоналари биз юртдошларимизга қадимда ўтган буюк аждодларимиз, ижодкор ва уста-ҳунарманд ота-боболаримизга нисбатан чексиз фахр-ифтихор ва ғурур бахш этади. Буюк Хоразмшоҳлар давлатининг шунингдек, Хива хонлигининг ўзига хос маданияти, тарихи, амалий санъати ва ҳунармандчилиги ҳозирги кунларда ҳам ўзининг қадимий ва заминий анъаналарини бутунлигича сақлаб қолиб, ижодий ва амалий жиҳатдан янгилана бориб, ҳозирги ҳаётимизни ҳам ҳар томонлама бойитиб, жаҳонга илҳомбаҳш ва ёрқин бетакрор саҳифаларни тақдим этмокда.

**Иқтибослар/Сноски/References:**


1. Гулямов.Я.Памятники города Хивы.Ташкент. Изд. УзФАН. 1941. -С4. (Gulyamov. Ya. Pamyatniki goro Khiv. Tashkent. Izd.UzFAN.1941.-S4.)
2. Гулямов.Я.Хоразмнинг суғорилиш тарихи.Тошкент.ЎзССР ФА.1959.б207.( Gulyamov.Ya.Khorazm irrigation history.Tashkent.UzSSR FA.1959.b207)
3. Веселовский.Н.И. Очерки историко-географических сведений о Хивинском ханстве.-СПб.1877.Предисловие С.VII. (Veselovsky.N.I. Ocherki istoriko-geograficheskikh swedeniy o Khivinsky khanstve.-SPb.1877.Predislovie S.VII.)
4. Бартольд.В.В. Хоремшахы Соч. Т.2Ч.2-М.1964,С-547. (Barthold.V.V. Khoremshakhy Soch.T.2Ch.2-M.1964,S-547.)
5. Иванин.М. Хива и река Аму-Дарья. Туркестанский сборник. СПб.1873.Т.68-С49. (Ivanin.M. Khiva i reka Amu-Darya. Turkestan collection. SPb. 1873. T. 68-S49.)
6. Абулғозий Баҳодирхон. Шажараи-турк. – Тошкент, Чўлпон-1992й. 143б. (Abulghazi Bahadirkhan. Shajarai-turk. Tashkent. Cholpon-1992y. 143b.)
7. Калмыков.А.Д.Хива.Протоколы заседаний и сообщений членов Туркестанского кружка любителей археологии.Тошкент.1908-С.59.( Kalmykov. A.D. Khiva. Protokoly zasedaniy i soobshcheniy chlenov Turkestanskogo krujka lyubiteley archeologii. Tashkent. 1908-S.59)
8. Ўша жойда. (In that place)
9. Ичан-қалъа музей қуриқхонаси фонд архиви.КП 5958-55.инв 95. (Ichan-Kala Museum Fort Archive. KP 5958-55. inv 95.)
10. Джаббаров.И. Ремесло узбеков Южного Хорезма в конце XIX-начале XXв.Средноазиатский этнографический сборник.-Л.Наука.1971 Вып.III-С/107-108. (Djabbarov.I. Remeslo uzbekov Yuzhnogo Khorezma v kontse XIX-nachale XXv. Srednoaziatskiy etnografichesky sbornik.-L.Nauka. 1971 Vyp.III-C/107-108.)

Tadqiqot.uz

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

# LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE 3

**Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz**
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000